



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 10 июль, № 137 (4800)

Жума

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

ИСТИҚЛОЛИ АБАДИЙ, ПАРВОЗИ БАЛАНД



Болалигимдан “учувчи бўламан”, деб аҳд қилган эдим. Баъзиларнинг бош қимирлатиб, “Бу осон иш эмас”, деб қўйганлари ҳам, айрим катта одамлар қулогимга шивирлаб, “Ўзбексан, осмонни эгаллаш қўлингдан келадими?” дея киноа қилганлари ҳам шаштимдан қайтаролмади.

Ифтихор



17 ёшимда Сирғали худудидagi аэроклубга қатнадим, спорт самолётини бошқардим. Кейинчалик, Челябинскнинг Бруслаш шаҳарчасидagi учувчилар билим юртини муваффақиятли тамомлаб, катта орзулар билан Ватанимга қайтдим. Афсуски, мени катта самолётларга яқинлаштиришмади. Қишлоқ хўжалиги авиациясида ХХ асрнинг қиркинчи йилларидан мерос “Ан — 2” самолётини бошқардим. Умуман, ўша пайтлар Тошкент аэропорти ҳам, унинг авиапарки ҳам хароб аҳволда эди. Бугунги кун билан таққосласак, фарқи ер билан осмонча. Ҳозирда нуфузли учувчилар билим юртини битирган ёшлар эътибор ва эъзозда. Улар аввалига, энг замонавий русумдаги ўрта масофаларга парвоз қилувчи “RJ — 85” самолётда фаолият бошлашади, аста-секин маҳоратлари юксалгани сайин уларга ундан-да салобатли ва олис масофаларга учишга мўлжалланган самолётлар ишониб топширилмақда.

Таассуфки, менинг ёшлигим ўтган замон мураккаб ва эзидиятли, ўта машаққатли эди. Истеъдодинг, иқтидоринг бўлса ҳам “ёриб” чиқинг жуда оғир кечарди. Дардим ичимда эди. “Нахотки, олис кенгликларда уюлмасам. Нахотки...”

(Давоми 2-бетда).

Япония пойтахтида Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ТОКИОДА ЎЗБЕКISTONNING ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ВА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ТАҚДИМОТИ

Тадбир Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ҳамда “Эй-Жи-Ти” сайёҳлик компанияси томонидан мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Учрашувда кунчиқар мамлакатнинг 45 дан зиёд сайёҳлик компанияси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Тадбирда айтиб ўтилганидек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилган Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги мунтазам тўғридан-тўғри авиарейслар япониялик туристларнинг келиши учун янада кўпроқ қулайликлар яратди.

Тақдимотда Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси икки мамлакатнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини жадаллаштириш учун қулай шароит яратишига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистонга келаятган япониялик сайёҳлар сони охириги йиллар давомида бирмунча кўпайган. Жумладан, айни пайтда кунчиқар мамлакатдан Ўзбекистонга йилга ўртача 7 минг нафар япониялик турист ташриф буюрмоқда. Японияликларни Ўзбекистонга юртимизнинг бой тарихи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий ва бутун дунёга машҳур бўлган шаҳарларимиздаги беқийс меъморчилик обидалари жалб қилади.

«Жаҳон» АА
Токио

ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФойДАЛАНИШ

инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш кафолатидир

Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат халқ хўжалиги ривожига, айниқса, аҳоли турмушига салбий таъсирини камайтириш масаласи нафақат дунё давлатлари, балки жамоатчилигимизнинг ҳам диққат марказида турибди.

Жумладан, ортиқча харажатларни қисқартириш, молиявий таназзул пайтида муяссадди ташкилот ва раҳбарларнинг масъулигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларида замонавий технология ютуқларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. «Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бахариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорининг қабул қилинишида, аслида,

Маҳаллий кенгашларда

мана шу мақсад мужассам эканлигини таъкидлаш лозим. Шу маънода, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурида назарда тутилган вазифаларни рўйбга чиқаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари

депутатлари, доимий комиссия ва иш муҳим аҳамиятга эга. Сенат Комиссияси ишчи гуруҳи томонидан Сирдарё вилоятида маҳаллий давлат органларининг Инқирозга қарши чоралар дастури

лар ижросида изчиллик, самара бўлади. Масалая панажа ортидан қаралса, муаммоларни ўз вақтида ва бақамти ҳал этишга ҳаракат қилинмас экан, ўша жойнинг ўсиш суръати, табиийки, пасайиб боради. Бундай дейишмиш бежиз эмас. Урганишлар жараёнида вилоятда маҳаллий ҳокимият органлари, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан инқирозга қарши чораларни бажариш борасида муайян ишлар амалга ошириляётганлиги, айни пайтда бу борда камчиликларга ҳам йўл қўйилаятганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

ФАРҒОНАЛИК ДЕҲҚОНЛАР ЗАФАРИ

Фарғона вилояти галлакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартномавий мажбуриятларини бажардилар. Бугунга қадар қабул масканларига қарий 320 минг тонна сара дон топширилди.

«Фалла — 2009»

Вилоятда ҳосилдорлик ўртача 54 центнерлик ташкил этди. Улкан галла хирмонига, айниқса, Бешарик, Бувайда, Олтиарик, Тошлоқ, Учкўприк туманлари деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар.

Урим-йиғим мавсумига икки юздан ортиқ комбайн жалб этилиб, фермерлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил нест-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинди. Эътиборли жиҳати шундаки, жорий мавсумда воҳа табиий иқлим шароитига мос бўлган сарҳисил “Чиллаки”, “Половчанка”, “Крошка” навларидан етарли миқдорда урулгик жамғарилди. Ҳосилдан бўшган майдонлар сомондан тозаланиб, шудгорлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Р. САИДОВ.

Президентимизнинг 2009 йил 8 июлда қабул қилинган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони барча қатори менга ҳам катта хурсандчилик бағишлади.

ЮКСАК ФАРОВОНЛИКНИНГ ҚАТЪИЙ ЙЎЛИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн саккиз йиллигини муносиб қўлиб олишга қизғин ҳозирлик қўрилмақда. Шунингдек, азият пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейини ҳам нишонлаш арафасида турибмиз. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш мақсадида татбиқ этилаётган мазкур Фармон, айтиш жоизки, яқинлашиб келаятган ана шу қўшалок шодиёна олдидан ҳаммамиз учун аталган ўзига хос тухфа бўлди. Унда халқимизнинг барча қатламлари инobatга олинган, ҳаётини бундан-да яхшилаш, тўқ-фаровон бўлишига эришиш каби азгу мақсадлар назарда тутилган.

Дил сўзи

Одамларимизнинг эртанги кунини ўйлаб қилинаётган бундай чора-тадбирларни кўрганда, беқийиб бугун дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимиздан ўтади. Хабарингиз бор, хали-хали жажжонинг қатор давлатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекимоқда. Нуфузли корпорациялар, компаниялар ортиқча харажатларга чек қўйиш мақсадида тармок корхоналари фаолиятини тўхтатмоқда, иш ўринлари сонини қисқартирмоқда. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши натижасида иқтисодий соҳага ажратилган маблағлар камайтирилмоқда. Қарангки, ҳатто айрим кўзга кўринган таълим даргоҳларида ҳам ҳавас қилиб бўлмайдиган вазият кузатилмақда. Бир мисол. Яқинда АКШнинг машҳур Гарвард университети маъмурияти иш ўринлари сонини 275 тага камайтиришга қарор қилибди. Чунки шароит шунч қатъоз этган. Қолаверса, янги биналар қурилиши тўхтатилибди, аксарият ходимларнинг

эса маоши “музлатилибди”. Биласизми, нега бу мисол эътиборини тортди? Чунки мен ҳам таълим соҳасида меҳнат қиламан — Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёшларга сабоқ бераман. Лекин шунч фахр билан айтишим мумкинки, бизда барча соҳа вакиллари ишларини бир маромда давом эттиришяпти, маошларини вақтида олишяпти, янгидан-янги очилаётган корхоналар ҳисобига эса иш ўринлари сони кўпаймоқда. Аҳоли даромадларини юксалтиришга доимо алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, биргина 2008 йилнинг ўзида ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал пул даромадлари йилдан-йилга ортмоқда. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш масаласи муҳим вазифалардан этиб белгиланган. Булар ниманинг шарофати?

Булар, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан олиб бориляётган сиёсат қанчалик тўғри ва ҳаётини янги шарофати, тинчлик ҳамда осойишталик, истиқлол яратиб бераётган улкан имкониятларнинг амалий тасдиқи.

Шу боис ҳам кўпни кўрган кексаларимиз кўнларини дуога очганларида, “Юртимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин”, дея ният қиладилар. Уларга биз ҳам қўшилишимиз, ёшларимиз ҳам бунинг моҳиятини яхши англаб етдилар. Барчамизнинг орзуимиз бир — шу фаровон ҳаётимизни Яратганининг ўзи асрасин.

Мусахон ИСОҚОВ,
Ўқувчи.
Тошкент шаҳри

Мамлакат бўйлаб

«ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!»

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!” мавзусида болалар бадий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом тафаккур, эзу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш, қалби ва шуурига она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, тарихимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини чуқур синдиришга алоҳида эътибор қаратилмақда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда азим шайримиз юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида туркум маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРШИ шаҳрида “China Inex Invest” хорижий корхонаси иш бошлади.

Хорижий корхона иш бошлади

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги бу корхона Хитойнинг Урумчи шаҳридаги “Синьцзянь Идирис” халқаро компаниясининг шохобчаси бўлиб, унинг низоми жамғармаси 301 минг АҚШ доллари тенг.

Корхона бу ердаги қурилиш ташкилотларининг эҳтиёжини ўрганган, йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялари ишлаб чиқара бошлади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Машинасозлик тармоғи жадал тараққий этмоқда

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда машинасозлик ва металл қайта ишлаш тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

115,5

Фоииз ўсди.

Саноатда таркибий қайта ўзгаришлар изчил амалга оширилгани натижасида тармокда шундай юқори ўсиш суръати кайд этилди.

Найнавода муҳташам коллеж

435 ўринга мўлжалланган ушбу таълим муассасасида ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур иншоот “Анд Кубо” қурилиш фирмаси бунёдкорлари томонидан қисқа муддатларда қубб битказилди. Бунинг учун 1 миллиард 837 миллион сўм маблағ сарфланди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат

БУХОРОда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” вилоят ҳудудий дастури асосида Жангелди, Қизилравот, Чуруқ, Қўқча, Оғитма сингари олис, чекка қишлоқларда яшовчи 14 минг 700 нафардан зиёд киши тиббий қўриқдан ўтказилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилояти бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбир жараёнида аҳолига 11 турдаги дори-дармон, гигиеник воситалар, ўқув қўлланмалари тарқатилди. Тиббий қўриқ яқини бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу мақсадлар йўлида 953 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури-ни бажариш борасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг олдида турган устувор вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарориде депутатлар зиммасидаги вазифалардан бири сифатида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида инқирозга қарши олиб борилаётган тадбирлар, уларнинг аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши белгиланган. Шу билан бирга, Кенгаш қарорининг 8-бандида доимий комиссиялар зиммасига ушбу дастурдан келиб чиқиб, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, давлатимиз раҳбарининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» йиғилишларида шахар, туман ҳокимликлари ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш вазифаси юклатилган. Вазифаларнинг аниқ белгилаб олингани ҳамда депутатлар гуруҳининг ушбу ишларга жалб этилаётгани ҳудудий дастури ижросини таъминлашда аниқ мудирият ҳисоботи ва унинг зифатлари тўла-тўқис рўйга чиқариш юзасидан назорат қўйиштирилмоқда.

тур ижросини таъминлашда аниқ мудирият ҳисоботи ва унинг зифатлари тўла-тўқис рўйга чиқариш юзасидан назорат қўйиштирилмоқда.

Миллий қўнчилигимизда маҳаллий кенгашлар ваколатлари сини мухталиқ масалалар белгиланган. Бугун вилоят Кенгашида ушбу ваколатлари тўла-тўқис рўйга чиқариш юзасидан назорат қўйиштирилмоқда.

ри шаҳар аҳолиси учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама этмаган. Аниқ пайтда шаҳардаги 6 та касб-ҳунар коллежини ҳар йили ўртача 2100 нафардан зиёд ёш битириб чиқмоқда. Бироқ уларни иш билан таъмин

лини мунтазам олиб бормаган. Ушбу камчиликлардан қўринадик, шаҳар Кенгаши депутатларида ташаббускорлик, талабчанлик етишмайди. Улар амалдаги қўнчилиқда белгиланган ваколатларидан оқилона фойдаланмаётгани, табиийки, вилоятнинг ҳар томонлама ривожланишига тўсик бўлаётди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен 80 йилларда эскидриля командири бўлдим. Даврининг улкан ҳаво кемаси «Ту — 154»ни кўкка кўтардим. Уша йилларда энг истеъдодли учувчилар рўйхатида киритилдим. Майда-чуйда мактовлар эшитдим. Лекин бундан нима фойда, маълум бир белгиланган чизикдан чиқолмасанг, қанотингни ёзолмасанг...

Не бахти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бугун дунёнинг забардаст авиакомпанияларидан бирига айланди. Ке-чаги куннинг ўзини ҳам армонларини Истиклол шомоллари учираб юборди. Байрогимиз рангларига бўялган,

лаб чиқараётган мамлакатлар кўп эмас. Нефть, галла, энергетика мустақиллигини кўлга киритган давлатлар сони ҳаминқадар. Ҳар йили шаҳарларнинг 2 минг йиллик ва ундан зиёд ёшга тўлгани муносабати билан тўйлар қилиб, бу кўтлуг маросимга етти иккимдан дўсту биродарларни меҳмонга чорлаётганлар ҳам бармоқ билан санарли. Биз бугун ана шундай салоҳиятли мамлакатлар сафиде пешқадамларамиз.

Бу гапларини эинҳор катталиқка йўлманг. Бир сафар, бундан ўн беш-ўн олти йиллар муқаддам, Ташкентга голландиялик футболчиларни олиб келдим. Ўзбекистон ҳақида яхши билишмас экан-

ИМКОНияТлардан Оқилона Фойдаланиш

инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш кафолатидир

марказидадир. Шу боисдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш режалари Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури ҳолатидан ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан қайта қўриб чиқилиб, уларга тегишли ўзгаришлар киритилган. Жумладан, вилоят Кенгашининг Экология масалалари бўйича доимий комиссияси иш режасидан «Гулистон экстракт-ё» очик акциядорлик жамиятида табиатга чиқариладиган зарар миқдорини камайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ўрин олган. Шунингдек, Сардоба, Ховос, Мирзаобод туманлари, Янгиер ва Ширин шаҳарларида ичимлик суви таъминотининг аҳолини, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш каби

расига тегишли давлат идораларининг ҳисоботини эшитиши белгилаб қўйилган. Бу вилоятдаги айрим маҳаллий Кенгашлар ва улар ҳузуридаги доимий комиссиялар иш режаларида ўз ифодасини топган. Масалан, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари доимий комиссиясининг иш режасида 2009 йилнинг апрель ойида «Оқолтиндон» акциядорлик жамиятида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини, турларини қўлайтириш борасидаги ишларнинг аҳоли муҳокамаси кўзда тутилган. Бироқ доимий комиссиялар мазкур тадбирларни ўз вақтида, қолверса, самарали ташкил этиш борасида тегишли чораларни кўрмаган. Бундай ҳолатлар аксарият маҳаллий кенгашлар доимий комиссияларида кузатилаётгани афсусланарли ҳол, албатта. Хусусан, Гулистон шаҳар Кенгашининг тегишли доимий комиссия-

лаш, бу борадаги муаммоларни атрафлича таҳлил қилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш ишлари шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар ишлари масалалари бўйича доимий комиссияси эътиборидан четда қолган. Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси аса шарҳдаги тадбиркорлик ри-вожи билан боғлиқ вазият таҳли-

камайган. Умуман эса, бугунги кунда вилоятда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий сўйсат боис макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикасини сақлаб қолишга эришилмоқда. Жумладан, 2009 йил биринчи чорак натижалари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 109,2 фоизни ташкил этгани фикримиз нечоғли асосли эканлигини кўрсатади.

Сирдарё — улкан имкониятларга, қўлайликларга эга замин. Шундай экан, ушбу ҳудудда берилган имкониятлардан самарали фойдаланишнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш зарур. Яъни, мавжуд ресурсларни тежамкорлик ва оқилона сарфлаш, баҳамжихатликда, айниқса, ҳудудий дастурларни рўйга чиқаришда жонбозлик кўрсатиш, ишларни амалдаги қўнунлар доирасида ташкил этиш лозим. Zero, оқиллик билан иш юритиш орқали кўзлан мақсадга — молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга эришиш мумкин.

Исроил ЭРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарихий-маданий аҳамиятга эга молик иншоотлар, ёдгорлик ва обидаларга мактаб ўқувчиларининг саёфатларини ташкил этиш, истиқлол йилларида бунёд этилган майдонлар, музейлар, болалар бадиий ижодиёт марказлари, галереялар, кўргазма заллари тарихий олимлар, археологлар, санъатшунослар иштирокида маънавият сабоқлари, жонли мулоқотлар, урчушулар ўтказиш яхши анъаналар бўлади. Пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтқа-

Мазкур тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Германия, Чехия, Россия, Эстония, Грузия, Украина, Польша, Латвия, Литва, Тожикистон каби давлатлардан келган мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Таъкидланганидек, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тиббий профилактика ва диагностика ишлари кўламини кенгайтириш, хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш жараёнларини тақомиллаштириш,

ФАН ЮТУҚЛАРИ — АМАЛИЁТГА

Пойтахтимиздаги Эндокринология илмий тадқиқот институтида тиббиётнинг ядро физикаси йўналишида қўлга киритилган ютуқларни онкология ва кардиология соҳасида қўллаш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтмоқда.

халқимизнинг саломатлигини муҳофизат қилиш мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат

дустурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид

Бугунги кунда ядро физикаси йўналишининг юксалиши қўллаб қошлар қатори тиббиётнинг янада ривожланиши, хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда янги-янги имкониятлар бермоқда. Ўз навбатида, жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқларидан мамлақати-

Фармони бу борадаги ишларни янада юқори босқинга олиб чиқишда муҳим дастуриямал бўлаётди.

миздаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам кенг фойдаланилаётди.

Анжуманда хориклик мутахассислар янги диагностика технологияларини қўллаш борасида ўзбекистонлик шифокорларнинг иш тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқлари, юрак, без ва онкология хасталикларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинмоқда.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

«ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!»

зилаётган болаларнинг энг яхши расм ва иншоолар танловлари, миллий кўшиқ ва рақс, техник ижодиёт фестиваллари уларнинг жонанон Тошкентимиз тарихига оид билиминини бойитиш, истеъдод қирраларини кашф этиш учун кенг имкон яратмоқда.

«Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!» болалар бадиий ижодиёт фестивалида шаҳримиздаги мактаблар қўшида фаолият кўрсатаётган қирққа яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этди. Жамоалар «Тошкент: кеча, бугун, эртага» мавзусида асфальтга расм чизиш, мусиқа ва рақс санъати, спорт, авиамоделсозлик ва бошланғич техник моделлаштириш йўналишларидаги ижодий беллашуларда ўз билим ва маҳоратини намойиш этдилар.

— Ёшларни юксак маънавият соҳибига этиб тарбиялаш, уларда фаолиқ, юрт тақдирини учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкентдаги 243-мактаб қўшидаги «Бойчек» болалар оромгоҳи раҳбари Нигора Ахмедова. — Бундай фестиваллар ўқувчиларнинг юртимиз тарихига оид билиминини янада бойитиш, уларни қомил инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Фестиваль якунига кўра, умумжамоа ҳисобидан биринчи ўринга шаҳримизнинг Учтепа туманидаги 116-мактаб қўшидаги «Бўстон» оромгоҳи жамоаси лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Серғали туманидаги 284-мактаб қўшидаги «Гулзор» оромгоҳи, учинчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб қўшидаги «Бойчек» болалар оромгоҳи жамоасига берилди.

Тадбирда пойтахтимиздаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг бадиий жамоалари ижросида мусиқарига дастур намойиш этилди.

Назозат ҚУСОНОВА, ЎЗД мухбири.

Бугунги ёшларнинг етуқ билим соҳибини, мустақил фикрли шахс бўлиб қолмоқчилири учун Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, улар малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли илм даргоҳларида халқро талаблар асосида пухта таълим олмақдалар.

Таълим

Суратдаги бу бахтиёр ёшлар жорий йил Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини магистратура йўналишлари бўйича таомлаб, магистрлик илмий даражасига эришдилар. Шу муносабат билан бу ерда битирувчиларга тантанали дилром топириш маросими бўлиб ўтди.

Шоғирди камолдан кўнгли тоқ қадар юксалган устоз ва мураббийлар, фарзанди икболидан, қалбиде гурур ҳиссини туйётган ота-оналарнинг, таллаган мутахассислиги бўйича илмий даражага эга бўлган истеъдодли ёшларнинг чексиз

ЮРТ ИШОНЧИГА МУНОСИБ АВЛОД



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

қувончу шодлиқлари... Тадбир ана шундай кўтаринки кайфиятда кечди.

— Мен бугун орзумга етдим, — дейди битирувчи Иро-да Ахророва. — Университетда таълим олиб, билиминини бойитишга, инглиз, испан, француз тилларини пухта

ўрганишга муваффақ бўлдим. Бугун чет эллик таниқли адибларнинг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилаётман. Келгусида таржумонлик соҳасидаги илмий изланишларимни давом эттириш ниятидаман.

— Жорий ўқув йилида университетдаги еттита иқтисодий бўйича таълим олган жами 366 нафар битирувчи магистрлик дипломлари топиришди, — дейди ўқув юртининг магистратура бўлими мудири Жамолиддин Ёқубов. — Илмий тадқиқотлар ва узлуксиз таълим жа-

раенида талабаларга таниқли профессор-ўқитувчилар билан бирга, хориздан тақлиф этилган мутахассислар, тилшунослар яқиндан кўмак беришди.

Айтиш лозимки, ушбу олий ўқув юртида инглиз, немис, француз, испан ҳамда рус тиллари, шунингдек, халқро журналистика, таржима назарияси ва амалиёти каби таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланди. Талаба ёшлар инглиз, немис, француз, испан, рус, италия, корейс, турк, хитой, япон, хинд каби 20 дан зиёд чет тилини ўрганишди.

Мана шундай билимли ва доно ёшларимиз мамлакатимиз таракқиёти йўлида астойдил хизмат қилиб, нурли манзиллар сари дадил қадам ташлашда давом этaverишлар, шубҳасиз. Zero, улар интеллектуал салоҳият, ихти-моий онг, ҳуқуқий тафаккур ҳамда маънавий дунёқараш бобиде ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган ёшлардир!

Омонулла ФАЙЗЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чет эллик касбдошларим, таниш-билишлар Ўзбекистоннинг пухта сўйсатининг, давлатимизнинг халқларварлигини айтиб, ҳавас қилишадиганини таъкидлашди. Шунда нўхоятда гуруланиб, «Бизлар ҳали анча-мунча ишларда қўлларга ўрак кўрсатамиз», дейман ичимда. Яқин орада Миллий авиакомпаниямиз самолётлари «Ил — 114-100» самолётлари қўшилади. Насиб этса, икки-уч йил ичида замонавий самолётлари қўлиги, парвоз ҳавасизлиги, хизмат даражасининг юксалиши билан жаҳонда етакчилик қилаётган йирик халқро компанияларни ҳам ортда қолдирмаган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз.

Зарқўжа ҚАЙДАСМОВ, Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси «Бонг» учувчилар отрядининг учувчи-йўрқисчи.

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, корхона ва объектларни хусусийлаштиришда олинган инвестиция мажбуриятлари белгиланган мuddатда бажариладиган тақдирда, тузилган олди-сотида шар-томаларини бекор қилиш ва мулкни қайтадан сотувга қўйиш жорий этилганлиги инвесторларнинг масъулиятини оширмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш имкония-тлари кенгайтириш, 2008 йилда инвесторлар томонидан қўшимча инвестиция киритиш миқдори 2007 йилдагига нисбатан 2,5 баробарга ортгани шундан далолат беради.

Қарорларни асосида 2004-2009 йиллар давомида 74 та корхона ва объект инвестиция эвазига бепул берилган эди. 2009 йил 1 апрель ҳолатига кўра, инвесторлар томонидан жами 6 миллиард 925 миллион 546 минг сўм ҳамда 1025,2 минг АҚШ доллари миқдориде инвестициялар киритилди. Бу бизнес-режа бўйича олинган мажбуриятга нисбатан 117,8 фоизни ташкил этади.

Эътиборлиси, инвестиция мажбурияти эвазига бепул берилган корхоналар бугун вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли хисса қўшмоқда. Уларда 424 та янги иш ўрни яратилганлиги ҳам бунга далил бўла олади. Масалан, фаолияти тўхтаб қолган Қурилишни жамлаш трестларора бошқармасининг 100 фоиз давлат улуши маҳал-

ий инвестор — «Саноат-сервис маркази» хусусий корхонасига 220,0 миллион сўм миқдориде инвестиция киритиш мажбурияти билан ноль харид қийматида бепул берилган эди. Инвестор 324,3 миллион сўм инвестиция кирит-гақ, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди. Ҳозир бу ерда темир-бетон маҳсулотлари бино чала қолиб кетган эди. Қурилишни тугаллаш ва янги иш ўринлари яратиш учун объект савдога қўйилди. Танловда 140 миллион сўм инвестиция киритиш мақсад қилган «Абдул-хонид Дониш сервис» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхона-си қолиб қолди. Қисқа мuddатда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаш-

корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ташқи ва ички бозорда рақобатбардош ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратмоқда.

Қарор ва ижро

Узбекистон Республикаси Президенти

дорлик жамияти мулкдорлари уст-тав фондини қўлайтириш юзаси-дан иш олиб боришмоқда. Устав фондини 400 минг АҚШ доллари миқдорига етказиш имконияти йўқларининг эса мулкчилик шак-ли ўзгаририлди.

«Қишлоқ таракқиёти ва фаро-вонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқ ҳўжалигида иқти-содий ислохотларни чуқурлашти-риш, қишлоқ аҳолисининг даро-мадларини қўлайтириш ва тур-муш даражасини янада яхшилаш мақсадида деҳқончилик маҳсу-лотларини қайта ишлайдиган за-монавий корхоналарни жадал барпо этишга ҳам бошқармамиз ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозиргача бўш турган 32 та чор-ваччилик ва паррандачилик фер-маси ҳамда бошқа бинолар тад-биркорлик субъектларига ўз биз-несини бошлаш учун берилди. Уларда қишлоқ ҳўжалик маҳсу-лотларини қайта ишловчи кичик корхоналар, асарларчилик, пар-рандачилик, иссиқхона ҳўжалик-лари барпо этилмоқда.

Қорхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган ана шу тадбирлардан қўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, иқтисодиёт-ни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига эришишдир.

М. СУЛТОНОВ, Қашқадерё вилояти давлат мулкни бошқармаси бошлиғи.


ТОШБИТИКЛАР ТИЛСИМИ

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг "Геология" музейи — жонли табиатнинг ажралмас бир бўлаги. Бу ерда мамлакатимизнинг миллий бойлиги ҳисобланган геологик ёдгорликлар қолдиқлари баробарида Ер сайёрасининг умумфазовий ҳамда геологик жараёнларга боғлиқ шаклланиши ва ривожланишининг назарияларини тавсифловчи материаллар, турли даврларда содир бўлган геологик ҳодисаларни акс эттирувчи экспонатлар, шунингдек, ўлкамиз ва унга туташ ҳудудлар ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг ноёб топилмалари жой олган.

Шу маънода, ўтмиш билан бугун туташган мазкур масканга келувчиларнинг қадами узилмайди. Айниқса, музейнинг "Тарихий геология ва палеонтология" зали ҳар доим табиат шайдолари билан гавжум бўлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу ерда йўқликка юз тутган ҳайвонлар қолдиқлари ва уларнинг метинга айланган излари, тош қотган ўсимликлар намойиш этилади. Мамлакатимиз ҳудудидан топилган динозаврлар қолдиқлари, айниқса, музейнинг 32 мингдан ортиқ экспонатлари орасида энг ноёблиридан ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, суд-ралиб юрвчиларнинг ушбу тури юра даврида кенг тарқалган бўлиб, Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларда яшаган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан уларнинг деярли барча тури яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Динозаврларнинг сўнгги вакиллари бундан 65 миллион йил бурун кирайиб кетган.

Мутахассисларнинг айтириши бунга глобал ҳалокат, яъни Ерда астероиднинг тушишини асосий сабаб қилиб кўрсатилган, бошқа бир гуруҳи буни иқлим ўзгариши билан боғлайди. Музей экспонатларининг бош сақловчиси, геология-минерология фанлари номзоди, Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси Рустам Юсуповнинг бу борадаги қарашлари эса бошқачароқ: динозаврлар ўзар табиат ўзгаришларига мослаша олмаган.



Тасвирлар хўроз изларига ўхшаш кетади. Сўхбатдошимизнинг айтишича, ўткир тирноқлар ботган излар йирткич динозаврларга тегишли. Кўриниши, шакли тўғққа

Мозий

яқинлари ўтхўр динозаврларники. Тошга айланган дарахлар, тасвири тошга кўчган буталар хайратимизни янада оширади. Чунки ранг-баранг ўсимлик ва дарахлар хозиргиларидан бутунлай фарқ қилади.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу топилмалар фақат антикалиги билан эмас, балки ўша давр ҳаётини ўрганишда муҳим манба эканлиги билан бебаҳо ҳисобланади. Қувонарлиси, мустақиллик йилларида дунё аҳамиятига молик экспонатлар сони янада бойиди. Соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, мутахассисларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар оламшумул кашфиётларга асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Айни пайтда музей олимлари бундан ташқари гегишли изларни тадқиқ этиб, уларни жонлантириш билан шуғулланишмоқда. Таҳминларга кўра, у сут эмизувчиларнинг дастлабки авлоди ёки тулпорлар бўлиши эҳтимоли бор. Натижа қандай бўлмасин, заминимиз наботот ва ҳайвонот дунёси гоятда бой бўлгани ҳақиқат. Бугунгача топилган далилий ашёлар шундан далолат бериб турибди.

Санд **РАҲМОНОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ҳайвонот олами гоятда бой. Айниқса, ёввойи табиатдаги кўплаб турлар дунёнинг бошқа давлатларида учрамайди. Морхўр ана шундай жониворлар сирасига киради. Бироқ у бутунлай йўқолиб кетиш арафасида тургани ташвишланарлидир.

Морхўр



«Кизил китоб» саҳифаларидан

Морхўр денгиз сатҳидан 1500-2500 метр баландликда, тоғларнинг тошлиқ қисмида ва сийрак арчзорларда яшайди. Бугунги кунда Қўхитонг, Бойсунтов, Боботўғда сақланиб қолган. Маълумотларга қараганда, уларнинг жами сони тахминан 300-400 бош атрофида.

Пода бўлиб яшайдиган бу ҳайвонлар нега қирайиб кетди? Бунга, аввало, морхўрнинг махсус овланиши сабаб бўлди. Негаки, улар 1950-1970 йилларда аёвсиз равишда овланган. Гарчи бугун уни овлаш тақиқланган бўлса-да, браконьерларнинг қимматбаҳо ўлжасига айланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ёйловларнинг ўзлаштирилиши ҳам жониворларнинг қамбайиб кетишига олиб келмоқда. Чунки морхўрлар пода-пода бўлиб яшаб, мавсумий кўчиб юради.

Бугунги кунда мазкур тур дунё ҳайвонот боғлари ва парваришоналарида кўпайтирилмоқда. Мамлакатимизда морхўрни ов қилиш тақиқланган, Сурхон қўриқхонаси, «Бойсун» ва «Хазрат бобо» ўрмон ҳўжалиқларида муҳофаза остига олинган. Ўзбекистон Республикаси «Кизил китоби»га киритилган.

ЎРТА ОСИЁ НОКИ

Ўрта Осий ноки ҳақида баъзилар эшитмаган бўлса ажаб эмас. Негаки, Фарбий Тянь-Шандаги бу тур бутунлай йўқолиб кетган.

Ўсимлик устида чуқур тадқиқот олиб борилмаганлиги туфайли унинг кўпайиши, маданийлаштирилиши, сони ҳақида маълумотлар йўқ. Кейинги изланишлар эса натижа-сиз тугалланган.

Мавжуд манбаларда келтирилишича, ушбу нок Пском дарёси бўйидаги Испай ва Мул-лал (Тошкент вилояти) қишлоқларида тарқалган. Шу боис уларни баҳорги сел ва тошқинлар юзидан кетган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас.

Ўрта Осий нокининг гуллари майда бўлиб, май ойида гуллайди. Ҳосили октябрда пишиб этилади. Меваси кўкиш ёки сарғиш рангда, серсув ва ширин. Мутахассисларнинг фикрича, ёввойи нок мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Ўрта Осий ноки «Кизил китоб»га киритилган.

Шифобахш гиёҳлар

Бўтакўз — мураккабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. У июнь-июль ойларида гуллайди, меваси августда этилади.



Бўтакўз

Халқ табиати амалиётида бўтакўз гуллари асосида тайёрланадиган дамлама сариқ касалликда, юрак ва буйрак фаолияти бузилиши натижасида жуссага келган шми (истискоини) даволашда пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Шунингдек, бир қатор кўз касалликларида ташқи муолажа тарикасида фойдаланилади. Айниқса, шамоллаш, изтироби йўтал, кўкйўтал, қорин ва қовуқ оғриқлари, бемаврид ич кетиши, асаб касалликларида яхши самара беради.

Бўтакўз гулсаватчалари замонавий тиббиётда ҳам кенг қўлланилади. Яъни ўсимлик гулбарглари териб олинади-да, қоронгулаштирилган жойларда қуритила-

Доно **ХҲҲАЕВА**, доришнус.



Гапирадиган қарға

Шербод шаҳрида бир қарға бор. Бошқа қарғалардан фарқи шуки, у гапирди. Худди тўрт ашар болага ўхшаш 32 та сўзни дон-дона қилиб талаффуз эта олади. Хозир ўн бир ёшга кирди. Номи — Гоша. Туман Мактабдан ташқари қўшимча таълим маркази ҳисобида туради.

Гоша осмондан туша солиб, одам билан қақажонлаб кетавермаган-дир-ов, дерсиз. Тўғри, у қанотидан шикастлангач, тўлидан айрилган ва қишнинг аёзли кўнаралининг бирида шаҳарнинг дарвозаси очик турган бир хонадонига кириб келган. Бу туман «Биосекосан» маркази директори Бўри Раҳимовнинг уйи эди. «Чақирилмаган меҳмон»ни уйи эгаси бағрига олди. Дон, сув, пешайвонидан кўналга берди. Жароҳатиға малҳам босди.

Қарға тузалди. Лекин учиб кетмади. У одобли хизматкор, ҳоҳатбарор қарға бўлди: қўшиларикига ўтмайди, бегона жойдан доналамайди. Эгасидан изн бўлмаса, уйда ҳам ҳеч нарсага тумшүк сукмайди. Бирон киши чақириб кел-

ганидан хабар беради. Ўз дарахлариға қўнган бошқа қўшларини ҳўшламайди. Уй эгасининг ўғли Шодибекка эргашиб юради. Шодибек гапирётганда унинг оғзиға диққат билан қараб қолган бўлади. Мустиқа тара-лаётган пайтда дарахт шогига осиб қўйилган кичкинагина радиодан узоклаш-майди.

Нихоят, бир кун у ...гапирди. Ингичка тилини оғзида айлантириб олди-да, «Гоша», деди. Бошдан уни Шодибек «Гоша-Гоша» деб эркаларди. Шу-шу, унинг номи Гоша бўлиб қолган-ди. Гоша ўзининг номи айтиб тили чиқди. Гошунинг доврғи тилға туш-гач, «Биосекосан» марказиға қатнайдиған ўқувчилар қўлайиб кетди.

Гоша асосан икки бўғин-

ли, ундош товуши кўп сўзларни хотирасида яхшироқ сақлайди. «Яхши» сўзини «Қақши» дейди. «С» то-



Синоат

вушини «ш», яна бир талай ундош товушларни «қ» ё «ғ» тарзда талаффуз қилади. Раҳимовларнинг уйи бозорнинг қўнида. Қўчалари серқатнов. Гоша ҳовли де-

400 метрлик ўсимлик

Тинч океанининг жанубида учрайдиган «Макростиста шифери» номли сув ўти ажабтовур қиёфаси билан ажралиб туради.

У сув остидан юқориға қараб ўсади-да, юзаға чиқиб олганидан кейин оқимға қараб қўлоқ ёйиб бо-раверади. Мазкур ўсимликнинг бўйи чўзилиб, 400 метрға ҳам етиши мумкин. У ташқи кўринишидан гўё тўлғаниб, ҳамлаға тайёргарлик кўра-ётган улкан илонни эслатади.

Маннон **НАБИЕВ** тўплади.

«Аждар сокол»

«Қарағай» деса, кўз ўнгимизда кўкка қўлоқ отган кўркам дарахт гавдаланади.

Ажабланарлиси, қарағай турлари ичида жуда миттилари ҳам бўлар экан. Бундай буталар Япониянинг Мияжима оролида ўсади. Унинг бўйи ярим қўлоқ атрофида бўлиб, шох-шаббалари ҳатто 30 метрға ер сатҳини қоплайди. Уни маҳаллий аҳоли «аждар сокол» деб аташади.

Экологик тоза мой

Лотин Америкасида, аниқроғи, Панама канали соҳилларида шамчирок дарахлари ўсади.

Унинг катта бўлмаган мевалари худди шамни эслатади. Шамчирок дарахти ўз таркибида салмоқли микдорда мой сақлаганлиги туфайли маҳаллий аҳоли улардан чироқ ўрнида фойдаланишади. Бунинг учун мева ўртасиға пилик ўтказиб, ёқиб қўйиш кифоя.



Уятчан мимоза
Ватани Бразилия бўлган мимоза ўта уятчанлиги билан кишиларни хайратта солиб келмоқда.
Унга бармоқ ёки бирор нарса билан тегилса, сесканиб кетади, шалпайиб, ерга «ётиб олади». Таъсир йўқолгач, қаддини кўтариб, ўз кўркини яна намойиш эта бошлайди.

Беш шохли қўчқор

Дунё гаройиботларға бой. Уларнинг баъзиларини ўз кўзинг билан кўрмагунча ишонмайсан, киши. Шовот туманидаги чорвадор-тадбиркор Ҳожибой Бекмезовнинг қўрасида беш шохли қўчқор парваришланаётгани ҳақида айтишганда, «Бундай миш-мишлар осми» деб қўл силтаб қўйгандик. Аммо қизиқувчан кишилар ташаббуси билан гаройиб қўчқорни кўриб, хайратдан лол қолдик.

Ҳақиқатан ҳам, қўчқорнинг шохлари бешта. Бу нима? Табиатнинг ҳазилими ёки хатоси? Биологмадик. Аммо бир қўчқорға бешта шох битиши чиндан-да ғайритабиий ҳодиса эди.

Ойбек **РАҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 14 июль, сешанба куні чиқаді.

Маълумки, Орол денгизи қурий бошлаши туфайли Амударёнинг гидрологик режими ҳам ўзгара бошлади. Натижада ўрмонлар деградацияга учраб, ерлар шўрланди. Илгари баҳор ва ёз ойларида Амударё тўлиб-тошиб оқарди. Сувға тушган ўрмон дарахтларининг уруғлари тупроққа ёпишиб, униб чиқар, бу билан янги ўрмонлар пайдо бўларди.

Жамоа ўрмончилиги

Ўрмон тупроғининг намлиги етарли микдорда сақланиши тронғил, жийда каби ўсимликлар ривожланишиға шароит яратарди.

Афсуски, кейинги ўн йил ичида Амударё суви кама-йиб, ўрмонларнинг табиий сувланиши сусайди. Бу, ўз навбатида, ўсимликлар, ўрмон ҳайвонлари, қўшлар ва жониворларнинг қамайишиға олиб келди.

Бундан англашиладики, минтақада ўрмонларнинг кўпайиши Амударёнинг гидрологик режимиға бевосита боғлиқ. Демак, ўрмонларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш, сувдан тежамли фойдаланиш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Хўш, бу борада қандай амалий ишлар олиб боришмоқда?

— Мана, бир йилдирки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури, Глобал экологик жамгарманинг «Ўрмонларни сақлаб қолиш ва Қорақалпоғистонда Амударё дельтасида муҳофазаланадиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг жамоа ўрмончилиги ва ўрмонларни қайта тиклаш гуруҳи билан ҳамкорликда хайрли ишға қўл урдик, — дейди Хўжайли туманлараро ўрмон хўжалиги директори Сафарбой Собиров. — Жумладан, деградацияға учраган ўрмонлар ҳудудидаги аҳоли билан учрашув ва семинарлар ўтказаямиз.

Бунинг самараси ўлароқ, Қангликўл туманидаги Жайхун овулида яшовчи Б. Атамуратов, Б. Алламуратов, И. Наврўзбоев, Н. Тажимбетов, Қ. Туримов ва бошқалар жамоа ўрмончилиги ҳамда ўрмонларни қайта тиклаш ишларида қатнашиб, шу мақсадда ер майдонини олиши хоҳишини билдиришди. Ходимларимиз эса лойиҳачилар билан биргаликда деградацияға учраган ўрмонлардан ажратилган 22 гектар майдонни чуқур ўрганиб, мавжуд муаммоларни аниқлашди. Утган йилнинг куз ойларида кўплаб дарахт қўчалари ўтказилди.

Жамоа ўрмончилиги Қорақалпоғистонда илк бор амалға оширилмоқда. Мазкур йўналиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа эса истикболли. Эеро, бу лойиҳа яшил бойлигимизни асраш, уни янада кўпайтиришға хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳидоят **АҲМЕДОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғаев** ва **Муҳаммадвали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчиляр кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳах — Ҳ. Тошқўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 8 9